

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 13 февраль жума  
Сотувда эркин нархда № 32 (1813)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



## МИННАТДОРЛИК

### ХИЛЛАРИ ХОНИМ МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ

Ғиждувонлик кўлаб Ашиер Нарзуллаев сайқал берган сопол буюмлар дунёнинг кўлаб музейлари, давлат ва жамоат арбобларининг хонадонларидан ўрин олган, — деб хабар қилади Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Илҳом Сафар. — Яқинда Нарзуллаев оиде Америкадан хушхабар олд. Бу хушхабар АКШ Президентининг рафиқаси Хиллари Родэм Клинтондан бўлиб, унда, жумладан, шундай сўзлар битилган: «Сизга саябат даражасида сайқал бериб ясаган кўлабчилик буюмларингиз учун чин қалбдан ташаккур билдираман. Улар менга қадимий ва гўзал Бухорога таърифим чоғида ҳади қилинган эсдалик соғаларингиз энг нафису подири сифатида жуда қадри ҳамада ҳамини сезиниб серкуён юртингизни эслаб туради».

## ТАДБИРКОРЛИК

### ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ 400000 СЎМ ТЕЖАЙДИ

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари «Навоийазот» каби довуқли корхонани ҳам четлаб ўтмади. Ишлаб чиқариш цехларининг бекор туриб қолиши ҳолатлари юз берди. Бироқ 1997 йил корхона учун ўзгариш йили бўлди. Кўлаб цехлар қайта таъмирланиб, бошқа маҳсулотлар олишга мослаштирилди. Йил охирига келиб бирлашмида 50 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Аммиак, азот кислотаси, аммиак селатраси, нитрон толаси, ацетилен каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалари ортиги билан бажарилди. Биргина халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 700 миллион сўмга етди. Корхона чиқариётган маҳсулотларга талаб катта. Жорий йилда ҳам ишлар чакки бўлмайдиганга ўхшайди. Айни пайтда бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан шартномалар тузилган. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда замонавий технологиялар жорий этилди. Масалан, биргина кимё муассасалари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган катта сўмга ишлаб чиқариладиган янги технология корхонада ойлик харажатлардан 3 ярим, 4 миллион сўми тежаш имконини беради.

П. ЖУМАЕВ.

## ЎЙЛАБ-ЎЙЛАБ

### ДИВИДЕНДИМНИ ОЛОЛМАЯПМАН

Шўрсуддаги «Бунёдкор» корхонаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганда «энди бир даромадимиз икки бўлади», деб кўнглимиз тоғдек кўтарилганди. Лекин...

Келинг, яхшиси, бошдан болай. «Бунёдкор» ҳиссадорлик жамиятида уч йил ишладим. Кўп қатори мен ҳам яхши ният билан 34 дона акция сотиб олдим. Аниқсон Усмонов расмлик қилган пайтда мошини ҳам, акция қоғозларини ҳам ўз вақтида олардик. Корхона ҳатто 9 миллион сўм даромад билан чиққан эди. Раҳбарлар ўзгарди-ю, «мансара» ҳам буткул бошқача тус олди.

Қизги шундаки, мен 1996 йилдаги акцияларим учун тўланадиган дивиденд пулини ҳанузгача ололмадим йўқ. Бу масалага, корхона бош ҳисобчиси ва касбага уюшма кўмитасига бир неча бор мурожаат қилдим. Ҳар гал борсам, корхона ҳисобиди яна йўқ, деб айтишди. Ҳисоб-китоб қилсам, дивидендим бор-йўғи 2175 сўм бўлар экан. Наҳотки, катта бир корхона менга 2 минг сўм топиб берадими? Нима қилай, ўйлаб-ўйлаб сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Хусан САТТОРОВ.

Ўзбекистон тумани, Даҳанақоқир қишлоғи.

## ҲОКИМЛИКЛАРДА

### ДОИМИЙ НАЗОРАТДА БЎЛАДИ

Бахмал тумани тавлим тизимида эйтиборга молик бир оғоқа юз берди — туман ҳокими Мусо Анорбоев ташаббуси билан тавлим тизимини мувофиқлаштирувчи кенаси тузилди. Мазкур кенасининг жойларида (ҳар бир қишлоқ фуқарolari йиғинида) ишчи гуруҳлари ҳам ташкил этилди. Улар ҳар ойда бир марта йиғилишиб, қилинган ишларни таҳлил этадиган ва келгуси ишларни белгилайдиган бўладилар. Режага кўра, худди шундай йиғилишлар уч ойда бир марта туман кенасида ҳам ўтказилади.

Туман ҳокими раислигида ва доимий назоратда ишлайдиган мақсуд кенасидан кўда тўталаган асосий мақсад мактабларнинг ўқув-модий базисини мустаҳкамлаш, янги мактаблар қурилишини жадаллаштириш ва тавлим-тарбия жараёнига туман жамоатчилигининг эътиборини кўпроқ қаратишидир, дея хабар қилади Исроил БУРИБОЕВ.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат» миллиринини И. НУСРАТ кўзати.



Зардушак қадимий санъат. Бухоронинг моҳир чеварлари довуқи Буюк ипак йўли оша дунёга ёйилганда ҳарир матоларга битилган зареулар ипсон фарандонинг ижоди эканлигидан одамлар ҳайратдан тош қотган эди. Орандан минг йиллар кечди. Қанча сувлар оқиб ўтди. Санъат тобора равшан тортиб борди. Кўёш нуралининг жилоси синеги ипакларга. Камалаклар Шарқнинг санамлари эшида товланди.

Шу-шу зардушак десак бобо Бухоро ва унинг чеварлари кўз ўнгимизга келади. Дилшайра Норкулова — ғиждувонлик моҳирларининг бири. У қабби, вужуду ила санъат асари яратаетир.

Тўлқин КАРИМОВ, суратчи-мухбир.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девониди Назорат инспекциясининг худудий назорат инспекциялари раҳбарлари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Уин Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекциясининг раҳбари Ёқубжон Жалолов бошқарди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари Исроил Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари бажарилишининг назоратини таъминлаш бўйича 1997 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

Анжуманда қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ночор ҳўжаликлар, хусусан, санация қилинадиган ҳўжаликларни молиявий соғломлаштириш учун жалб этилган маблалардан оқилдана фойдаланиш устидан назоратни кўчайтириш зарурлиги таъкидланди.

Жойларда ўз афзаллигини амалда кўрсатган пайчиллик, оилавий идрат ва қишлоқ ҳўжалиги ширкатларида тўлланган ибратли тажрибаларни кенг жорий қилиш, ислохот йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш ҳамда иқтисодий соҳада қабул қилинган қонуний ҳўжатлар ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокамада қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда республика вазирликлари, идоралари ва уларнинг тизимларида ўзаро ҳисоб-китоб ишлари, тўлов интизоминга риоя қилиниши бўйича амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎЗА)

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА ҚОНУН ЭҲТИЁЖ ТУФАЙЛИ ТУФИЛАДИ

Айни кунда янги қонун лойиҳалари юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ана шундай савол билан Олий Мажлис Сенат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси Изидор Кочмарикга мурожаат қилдик.

— Маълумки, мамлакатимизда чуқур иқтисодий ислохотлар жарафини кечаётган даврда қонунларга таъиниш халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги оруз-умидларини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бутунги куннинг талаблари-

дан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда, — дейди Изидор Кочмарик. — Бу, аввало, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги ва «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари.

Бутунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалти-

ришда муҳим роль ўйнайдиган транспорт соҳасини ҳудудий жиҳатдан тартибга солиш эҳтиёжи туғилмапти. Ушбу қонунлар ана шу мақсадга хизмат қилади. Транспорт соҳасининг жаҳон андозлари даражасида фаолият кўрсатишига кўмаклашади.

Шунингдек, қўмитада қабул қилинган қонунлар ижросини жойларда ўрганиш, таҳлил қилиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда қўмига томондан «Давлат тасаруфларида чиқариш ва хусусийлаштириш

тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда Олий Мажлиста тегишли қарорининг Бухоро вилоятидаги ижроси ўрганилди ва йиғилишда муҳокама қилиниб, тегишли тасвиялар ишлаб чиқилди.

Қўмига иш режасига мувофиқ яқин кунларда Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларининг айрим вилоятлардаги ижроси ҳам назорат ва таҳлил қилинади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.ИСАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИСРОИЛ ДАВЛАТИДАГИ ФАВҚУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Ёқубович Исаев Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 12 февраль.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.ИСАЕВГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Ёқубович Исаевга Биринчи даражали фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 12 февраль.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У. ХУДОЙБЕРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Умарали Раҳмоновчи Худойбердиевни Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 12 февраль.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У. ХУДОЙБЕРДИЕВГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Умарали Раҳмоновчи Худойбердиевга Биринчи даражали фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 12 февраль.

## ХУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

11 февраль куни республика Давлат солиқ қўмитасида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида икки ёқлама солиқ олмаслик бўйича тузилган конвенцияларни имзолаш маросими бўлди.

Маълумки, мамлакатимиз билан Корея Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Унинг самаралари бутунги кунда ҳаммага равшан. Маросимда икки ёқ-

ма солиқ олмаслик тўғрисидаги мақрув конвенцияларнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасида ана шу ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этажаги таъкидланди.

Хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси В.Беганов ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Че Ёнг Ха имзоладилар.

(ЎЗА)

## 1998 ЙИЛ - ОИЛА ЙИЛИ ТОМДИЛИКЛАР МАМНУН

Навоий вилояти Томди тумани марказида маданий-маиший ва турар жой бинолари қурилишига жиддий эътибор берилаетир. Қисқа муддатда 60 оила янги уйларга кўчиб ўтди. «Саудо уйи», автомат-телефон техникисини, машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва ёниги қўйиш шохобчасини таъинлаш. Тоза ичимлик суви келтирилади. Йил охиригача яна камиди 50 оила ҳовли тўйи ўтказадилар.

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.

## АФГОНИСТОН ХАЛҚИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Афғонистоннинг Тоҳар вилоятида юз берган энгилда оқибатида жалб қўрган аҳолига бегараз ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан махусе жамғарма ташкил этилди.

Табиий офат рўй берган жойга озиқ-овқат, тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар, болалар кийимлари ҳамда қурилиш материалларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тегишли халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириб турилади.

(ЎЗА)

## ЧЎПНИ ВАТАН БИЛГАНЛАР

Сен ерни сийласанг, ер ҳам сени сийлайди — ҳаётингни чарогон, турмушингни фаровон қилади, дейишмоқда Марказий Фарғонадаги Улуғнор туманининг аввалги шўхратини тиклаш учун чўлга ҳашарга отланганлар

ҳам пишиб етилган масалалардан берибидир. Нураб ётган кўлаб уй-жойлар ўрнида янги, замонавий, қўрқам бинолар қуриломоғи зарур. Электр, алоқа тармоқлари, ички йўллари, тартибга келтириш лозим. Табиийки, ана шу масалаларни ижобий ҳал этиш учун жуда катта куч ҳамда маблағ керак.

Халқимизда дўст бошга иш тушганда билинади, деган нақл бор. Вилоят ҳокимлиги, назаримизда, жуда тўғри ва оқил йўлни топди. Йирик ташкилотларнинг, шаҳар ва туманларнинг раҳбарларини чўлга — маслаҳатча тақлиф этди. Икки-уч бор ўтказилган ана шу йиғинларда Улуғнорнинг қишлоқ

Бир вақтлар Мингчинор, Мингбулоқ, Тўрттоқ, «Оқ олтин» номлари билан машҳур бўлган қишлоқларга яна одамлар оқиб кела бошлади. Улар туманининг 13 жойида шинам шаҳарчалар, гузарлар, янги маҳаллалар бунёд этишни, ирригация-мелиорация тармоқларини тубдан янгилашни, кўчиб келадиган оилаларни табиий газ, ичимлик суви билан таъминлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

Биз «Андижон», «Истиқлол», «Дўстлик», «Оқ олтин», Марказий Фарғона массивидаги М. Иминов номли ширкатлар уюшмаси бўлганмизда, аҳоли яшаш жойлари учун ажратилган майдонларда қури-

лиш ишлари уюшқоқлик ва тезкорлик билан бошлаб юборилганлигини кўрдик.

«Дўстлик» ширкатлар уюшмасида замонавий шаҳарча тикляпимиз, — дейди Шаҳрхон тумани ҳокими М. Разоқов. — 25 та икки хонали, олди айвонли замонавий уйлар қуриб беришни ўз зиммасига олдик. Бу бинолар белгиланган муддатларда ўз эгаларига топширилади. Бу туманидаги 66-механизацияланган кўчма колонна уйсозлари ҳозирнинг

моқлари корхоналари жамоалари ибратли ташаббус бошладилар. Улар тумандаги мавжуд ички йўллари тартибга келтирибгина қолмай, янги қишлоқларда кенг ва раво кўчаларни ҳам очадилар. Айни дамда бу ерда электр қуввати узатиш тармоқлари ҳам қад ростламоқда. Тартиб билан ўрнатилган симёғочларга электр симлари тортилаетир. Бундан ташқари, туман қишлоқларини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш учун 70 километрдан ортиқ газ қувури ётқизиш талаб этилади. Бунинг учун Оқтом қишлоғида газ тақсимлаш шохобчаси қуриш даркор. Ана шу объектни қисқа муддатларда ишта тушириш мақсадида лойиҳа-хужжатлар тайёрланди.

Бир томони Наманган, яна бир томони Фарғона вилоятига туташ Улуғнор, айтиш мумкинки, истиқлол шарофати билан яшармоқда. У халқимизнинг қадимий ва ҳаминча барҳаёт удуми-ҳашар йўли билан қайта тиклянаётир. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, бу ерда юзлаб, минглаб янги иш ўринлари вужудга келади. Аҳолиси зичлиги жиҳатидан мамлакатда олдинги ўринда турувчи Андижон учун бу жуда долзарб масалалар. Ҳадемай туманда 320 уйнинг қалити ўз тақдирини чул тақдирни билан боғлаша аҳд қилган филоий инсонларга топширилади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.





БИРИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛ КИМДА?

Мана олти кундирки, Япониянинг бир нечта шахрида XVIII киши Олимпиада давом этмоқда. Очилиш маросимидан кейинги икки кун ичида бир нечта медаллар ўз эгаларига топширилди. Россиялик чанги устаси Ольга Данилова дастлабки уринишдаёқ олимпиада чемпиони деган номга эга бўлди. Ташкилий кўмита Ольгага Нагано Олимпиадасининг дастлабки олтин медалини топширди.

гидек. Мен ўзбекистонлик барча спорт ишқибозларини ишонтириб айтаманки, Наганода яхши ўринлардан бирини эгаллайман, мамлакатимизга медал билан қайтиб келаман.

УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАР

Умумий ҳисоб-китобларга қараганда, олимпиада ташкилий кўмитаси мусобақаларни яхши ўтказиш учун 103 миллиард йен (768 миллион доллар) сарф қилишни режалаштирган. Энг муҳими, ҳар бир мамла-



XVIII ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

Шунингдек, Нидерландия, Германия, Болгария, Финляндия, Канада спортчилари ҳам дастлабки кунлардақ турли медалларни қўлга киритишди.

катдан ташриф буюрган делегация аъзолари хавфсизлигини таъминлаш учун 1700 нафар япон аскарлари кечаю кундуз мижга қокмасдан хизмат қилмоқда.


ЛИНАДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Ушбу Олимпиада мусобақаларида бизнинг ўзбекистондан беш спортчи қатнашмоқда. Улар Лина Черязова, Сергей Бренер, Татьяна Малинина, Комил Ўринбоев, Роман Скорняковлардир.

ДАСТЛАБКИ БАШОРАТЛАР

XVIII киши Олимпиадага энг кўп вакил Германия ва Россиядан ташриф буюрган. Шу кунларда 135 немис ва 126 рус спортчиси голиблик учун кураш олиб бормоқда. Маълумки, Германия спортчилари қатор йиллардан буён барча Олимпиадаларда голибликни қўлдан бермай келишмоқда. Ишқибозларнинг башоратларига қараганда, Нагано Олимпиадасида ҳам Германия ва Россия спортчилари биринчи ўринга асосий даъвогарлик қилишлари мумкин. Ушбу Олимпиадада ҳаммаси бўлиб 72 давлат спортчилари қатнашмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.



Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтмаганлар. Кексалар оилада суянч ва яқин маслаҳатқўйлар. Шу боиски, бундай оилаларда фарзандлар ва қариндош-руғузлар меҳрабоқибатли бўлади.

«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатларини кенг ёритиб «Мулоқот» журналининг бу йилги биринчи сони босмадан чиқди. Унда турли мавзулардаги турфа хил мақолалар эълон қилинган.



данийти, маънавий қиёфаси қандайлиги ҳақида фикр юритади.

«Саодат салтанати ва салтанат саодати» номли мақола ана шулардан биридир. Ушбу фалсафий мақолада Ватанимизда кейинги йилларда юз бераётган ижтимоий ўзгаришлар, янгиликлар атрофида таҳлил этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Убайдулла Мингбоевнинг «Дарға» мақоласида жамиятимиз кemasини осойишта, буюк давлат қуриш йўлида ишонч билан бошқариб бораётган йўлбошчимиз фаолияти ҳақида сўз боради. Таникли публицист Нарзулла Жўраев «Демократия ва тарихий жараё» мақоласида демократия, унинг сиёсий ма-

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг «Рақобатбардошлик — давр тақозоси» мақоласида эса таълимдаги ислохотлар ҳақида гап боради.

Журналининг ушбу сонида шоир Барот Бойқобиловнинг «Навоийнинг ватани» сарлавҳали мақоласида маданиятимиз, маънавиятимиз анъаналари, Туркистон халқларининг маънавий, маданий яхлитлиги ҳақида фикр юритилган. Журналда, шунингдек, семимли адибимиз Саид Аҳмад «Тарихнинг тирик шохиди», Маҳкам Маҳмуд «Навоий ва табиат олами», Давлатмурод Саъдуллаев «Яшадан мақсад», Гофуржон Маҳмудов «Жадидчилик ва миллий истиқлол», Акмал Саидов «Ислому ҳуқуқшунослик илми» («Ҳидоя», шурҳи»), Мели Норматов «Буюк санъаткор ва аллома (Юнус Ражабий)» каби мақола ва лавҳалари билан қатнашган.

Мухаммад АМИН олган сурат.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

ИШ СОАТИ ҚИСҚАРАДИ

Франция парламентининг қуйи палатаси иш ҳафтасини 39 соатдан 35 соатга қисқартириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Маъқур қонун 2000 йилдан қучга киради.

ШАҲЗОДАНИНГ СОВҒАСИ

Саудия арабистонилик миллиардер шаҳзода Валид бин Талал Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арофатга «Боинг-727» самолётини совға қилди. Фаластин миллий авиакомпанияси ҳам шаҳзоданинг мурувватидан четда қолмади. Худди шунақанги самолёт авиакомпанияга ҳам тақдим этилди.

ТЎҚНАШУВ

АҚШнинг атом сув ости кемаси Жанубий Кореянинг ҳудудий суваридида баққ овлайдиган кичик кема билан тўқнашиб кетди. Кемадаги 5 нафар баққичи қутқариб олинди.

МУЗОКАРАЛАРДАГИ МУШТАРАКЛИК

Пекинда ХХР ташқи ишлар вазири Цянь Цичэн ва Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Г. Красин ўртасида Форс кўрфазида вужудга келган вазиет музокама қилинди. Музокарадан сўнг Г. Красин журналистларга баёнот бериб, Ироқ муаммосини ҳал қилишда Россия ва Хитой позицияси бир-бирига мос эканлигини маълум қилиб, БМТ аъзоси бўлган Ироқнинг миллий хавфсизлиги, суверенитети ҳурмат қилиниши лозим, деди.

ПРЕЗИДЕНТ ДАЪВАТИ

Россия Президенти Б. Ельциннинг Италияда бўлиб ўтган расмий сафари чоғида, унинг йнрик сармадорлар ва иш-биармонлар билан учрашуви алоҳида ўрин эгаллади. Президент иш-биармонларга мурожаат қилиб, «сизга энг қулай шaroитларни яратиб берамиз. Ҳаракат қилинг!», деб хитоб қилди. Борис Ельцин иштирокида машур «Фнат» компанияси билан «ГАЗ» заводи ўртасида биргаикда автомобиль ишлаб чиқариш ҳақида битим имзоланди.


СУДАДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Венгриядаги «Коммунизм қурбонлари уюшмаси» раиси Дьерд Кемал суд ола-

дида жавоб берадиган бўлди. У «ҳокимиятнинг қуч билан босиб олишда» айбланмоқда.

«ОСКАР»ГА ДАЪВОГАРЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Лос-Анжелесда Голливуднинг энг олнн саврини — «Оскар»га даъвогар фильмлар номи эълон қилинди. Даъвогарлар сафида «Титаник» фильми пешқадамлик қилмоқда. 1912 йили Атлантика океанида ҳалоқатга учраган, ўша пайтдаги йўловчи ташийдиган энг катта кема — «Титаник» фожияси ҳақида ҳикоя қилувчи маъқур фильм олий мукофотнинг бирйўла 14 шарт буйича тавсия қилинди. «Оскар» тарихида шу пайтгача ҳали бирорта кино асар бу қадар эътирофга сазовор бўлмаган.



Ҳиндистон ўзининг улугвор меъморчилик обидалари ва қадимий қалалари билан дунёга машҳур. Мадрас шаҳридан 150 километр узоқликда жойлашган Гиндхи қалъа комплекси (суратда) тарихнинг қўлбал сирларини бағрида яширган подор меъморчилик обидаси сифатида қадрлидир.

ЙЎЛЛАРНИ ҚОР БОСДИ

Уч кун давомида тинимсиз ёққан қор Тожикистоннинг тоғли ҳудудларини бири бири билан боғловчи йўллари тўсиб қўйди. Айниқса, Душанбе шаҳрини Қоратетини зонаси билан боғловчи йўлларида аҳвол анча мураккаб. Йўллари қордан тозалаш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ


SIEMENS NIXDORF



Системали интеграция

Асбоб-ускуналар ким томонидан ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, биз улар билан системали интеграцияни амалга оширамиз. Биз ПК, UNIX, Mainframe каби турли дастурли платформаларни ўзаро боғлаймиз.


Юқори даражадаги системали интеграция.



Асбоб-ускуналар қудрати ва энг қулай қарорлар қабул қилиш

Турли даражадаги серверлар сулоласи: энг кичигидан то энг юқори даражада ишлаб чиқара оладиганигача. Ҳар қандай ҳолатда ҳам энг қулай қарор қабул қила олиш.

Юқори даражали аппарат қуввати.



Омилкорлик

Системаларнинг очиклиги стратегик шериклик алоқаларига тайёрлик демакдир. Биз дастур ва аппаратлар билан таъминловчи дунёдаги энг яхши ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қиламиз.

Юқори даражадаги қучли шериклар.

Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхона: А. Толстой кўчаси, 23, 700000, Тошкент. Телефонлар: 132-03-14, 40-67-50. Факс: 40-64-02.

Siemens Nixdorf: User Centered Computing

РЕКЛАМА БА ЗАМУНТАЗАМ тел: 136-09-25

МУНТАЗАМ, КАФОЛАТЛИ, АРЗОН ВА ҚУЛАЙ!

TRANSAERO advertisement including an image of an airplane and text about flight services, routes, and contact information.

Table with 3 columns listing various companies and their contact information, including names like Жалпа ХАҚҚУЛОВ, Урол ШЕРАЛИЕВИЧ, and others.

Large advertisement for 'ХАЛҚ СЎЗИ' newspaper, including contact details for the editorial office, subscription rates, and publication information.